

# Шеробод туман Давлат хизматлари кўрсатиш марказининг “Уч ёғоч” филиали очилди



Шеробод туман адлия бўлими Давлат хизматлари кўрсатиш марказининг "Уч ёғоч" филиали шу ҳудуддаги 7 та маҳалла, яъни "Уч ёғоч", "Пошхурт", "Чорбоғ", "Вандоб", "Қизилолма", "Зарабоғ" ва "Қорабоғ" маҳаллаларидаги 13 та қишлоқнинг 24000 дан зиёд аҳолисига давлат хизматлари кўрсатади. Эндиликда мазкур маҳаллаларда яшовчи фуқаролар Шеробод туман марказига бормасдан туриб Шеробод туман адлия бўлими Давлат хизматлари кўрсатиш марказининг "Уч ёғоч" филиали орқали 230 дан ортиқ Давлат хизматларидан фойдаланишлари мумкин.